



SOCIAL PROCESSES SOCIAL MOBILLING MOVEMENT QUALITY STREET

Lola M. Karimova

Associate Professor

Bukhara State Medical Institute

Bukhara, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Social mobility, mobility channels, social institution, hierarchical system, social process

Received: 11.10.23

Accepted: 13.10.23

Published: 15.10.23

Abstract: This article provides information about the sources of social mobility, the motivation to achieve, the law of increasing needs, and the hierarchical system of distribution of social results. The presence of channels of social mobility in society, including various social institutions - the military, religion, education, political organizations, trade unions, family, marriage, art, sports, inheritance, elections, mass media, social networks, social networks of individuals and their groups. creates conditions for movement.

ИЖТИМОЙ ЖАРАЁНЛАР ИЖТИМОЙ МОБИЛЛИКНИНГ ХАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ СИФАТИДА

Лола М. Каримова

Доцент

Бухоро давлат тиббиёт институти

Бухоро, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ижтимоий мобиллик, мобиллик каналлар, ижтимоий институт, иерархик тизим, ижтимоий жараён

Аннотация: Ушбу мақолада ижтимоий мобилликнинг манбалари эришиш мотивацияси, эҳтиёжлар ортиб бориши қонунияти, ижтимоий натижаларни тақсимлашнинг иерархик тизими ҳақида маълумот берилган. Жамиятда ижтимоий мобиллик каналларининг мавжудлиги, жумладан, турли ижтимоий институтлар – армия, дин, таълим, сиёсий ташкилотлар, касаба уюшмалари, оила, никоҳ, санъат, спорт, меросга эга бўлиш, сайлов, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар,

индивидлар ва улар гурухларининг ижтимоий ҳаракатланишига шароит яратади.

СОЦИАЛЬНЫЕ ПРОЦЕССЫ СОЦИАЛЬНОЕ МОБИЛЛИНГОВОЕ ДВИЖЕНИЕ КАЧЕСТВЕННАЯ УЛИЦА

Лола М. Каримова

Доцент

*Бухарский государственный медицинский институт
Бухара, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	Социальная мобильность, каналы мобильности, социальный институт, иерархическая система, социальный процесс	Аннотация:	В данной статье представлена информация об источниках социальной мобильности, мотивации достижения, законе возрастания потребностей и иерархической системе распределения социальных результатов. Наличие каналов социальной мобильности в обществе, включая различные социальные институты - армия, религия, образование, политические организации, профсоюзы, семья, брак, искусство, спорт, наследование, выборы, средства массовой информации, социальные сети, социальные сети отдельных лиц. и их группы.. создает условия для передвижения.
------------------------	--	-------------------	--

КИРИШ

Аёллар ижтимоий мобилликнинг омиллариға ҳаракатчанлик қобилиятига ҳамда яқунланган ижтимоий ҳаракатларга таъсир қилувчи ҳодиса ва жараёнлар; шунингдек, ҳаракатларни амалга оширишда уларнинг тезлиги, характеристи ва натижасига таъсир кўрсатувчи аёллар турмуш шарт-шароитлари, яъни яшаш жойи, ўкув муассасасининг тури ва ҳоказолар киради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Жамиятдаги ижтимоий қатламлар ўртасида мутлақ чегараларнинг ўзи йўқ. Баъзи қатламлар вакиллари бошқа қатламларга ўтишлари мумкин. Кўпинча бундай ҳаракатлар ижтимоий институтлар орқали содир бўлади. П.Сорокин дастлаб бундай ижтимоий мобиллик каналларини армия, черков ва мактаб каби ижтимоий институтлар орқали ифодалаган.

Ижтимоий мобиллик каналларига берилган илмий изоҳлар шуни англатадики, ҳар қандай ижтимоий ҳаракатчанлик ижтимоий жараёнларсиз содир бўлмайди. Ижтимоий жараёнлар эса барча ижтимоий ўзгаришларнинг асосини ташкил қиласди.

Ижтимоий жараёнлар ташкилотларда, ижтимоий гурӯҳлар тузилмасида жамиятдаги одамлар ўртасидаги ўзгариб турадиган муносабатларда ва кичик ижтимоий гурӯҳларнинг тузилмавий элементлари орасида содир бўладиган ҳодисалар кетма-кетлиги ёки ўзаро таъсири фалсафада ижтимоий жараёнлар дейилади.

Жараён эса бирор бир натижага эришиш учун қилинган кетма-кет ҳаракатлар мажмуудир. Бу ҳаракатлар ягона, такрорланувчи ёки даврий ҳам бўлиши мумкин.

Ижтимоий жараёнлар барча жамиятларда ижтимоий таъсир қўрсатишнинг тартибга солинган шакли сифатида намоён бўлади. Ижтимоий жараёнларнинг асосий белгиси сифатида жараёнларни юзага келтираётган ва унда иштирок этаётган субъектларнинг ўзаро алоқаларда универсал муносабатларнинг мавжудлигидир. Жамиятда ҳеч бир ҳодиса ижтимоий жараёнларсиз юзага келмайди. Демак, ижтимоий жараёнлар барча муносабатларда муносабатлар ядрои, юзага келтиришда катализатор, ҳаракатда эса драйвер вазифасини ўтайди ва инсонлар ўртасидаги барча объектив ва субъектив алоқалари билан тавсифланади. Жамият аъзоларининг ўз вазифаларини бажариши ва жамият ривожланиши турли ҳил шаклдаги ижтимоий жараёнларда кечади.

Т.Парсонс таъкидлаганидек, фалсафа бошқа ижтимоий фанлардан фарқли ўлароқ, «бутун жамиятга, ижтимоий тизимларнинг бирлашувига тааллуқли бўлган тизим ва жараёнларни ўрганади».

Фалсафа шахсни жамиятда фаолиятини, ўзлаштирилган мақомларини ижтимоий тизим жараёнлари билан чамбарчас боғлиқликда ўрганади.

Ижтимоий жараёнлар қўйидаги қўрсаткичлар билан таснифланади:

Объект бўйича – инсоният, жамият, ташкилот, катта ижтимоий гурӯҳлар, кичик ижтимоий гурӯҳлар;

Тартибга солиши даражаси бўйича – стихиялик, аниқ-тарихий ва бошқарув;

Йўналиш бўйича –прогрессив ва регрессив (ривожланиб борувчи ва сусайиб борувчи)

Тан олиниши бўйича – очиқ ва ёпик;

Давомийлиги бўйича – қисқа ва узоқ вақт давомида давом этиши;

Оқим даражаси бўйича – макро, мизо ва микрожараёнлар;

Объектив ва субъектив алоқалар бўйича – табиий ва ижтимоий.

Ижтимоий жараёнлар типларини АҚШнинг Чикаго мактаби файласуфи Роберт Парк қўйидагича таклиф этган:

Кооперация – ҳамкорлик, фаолият жараёнида ўзаро алоқадорлик, аниқ миқдордаги меҳнат қилувчиларни ўзаро бир ёки бир нечта бир-бирига алоқадор меҳнат жараёнларида

иштирок этаётган меҳнат ташкилотларининг шакли, ҳамкорликнинг асосларини биргалиқдаги ҳаракат ва умумий мақсадларга эришиши. Шундай қилиб, кооперациянинг ажралмас бир қисми – унинг аъзоларининг ўзаро манфаатдорликка интилиши;

Рақобат – чекланган ва тенг тақсимланмаган имтиёз ва қадриятларга эга бўлиш учун шахслар ёки гуруҳлар ўртасидаги илм-фан ва санъатдаги тараққиёт каби ижобий натижаларга эришишдаги курашиш;

Ўзлаштириш – инсоннинг бошқаларнинг қилаётган ишларида иштирок этиш ва уларнинг хатти-ҳаракатларини тақлид қилиш қобилияти ва хоҳиши;

Конфликт – фикрлар қарама-қаршиликлари ривожланишининг энг юқори босқичи муносабатларнинг ва манфаатларнинг бевосита тўқнашувларида намоён бўлади. Ушбу ижтимоий жараён иштирокчиларининг мухолифлиги, одатда, салбий туйғулар билан бирга келади;

Ассимиляция – жамиятнинг муайян бир қисми, унинг ўзига хос хусусиятларидан маҳрум бўлган ижтимоий жараён, уларни ўзлаштириш ва бошқа қисми билан алмаштиради, яъни ассимиляция ҳар доим икки томонлама бўлиб қоладиган ўзаро маданиятга ўтиш жараёни. У ихтиёрий ва мажбурий ҳам бўлиши мумкин;

Амалгамизация – бирлашма – жисмоний шахслар ва гуруҳлар умумий маданиятга айланиш жараёнининг барча иштирокчилари билан биргалиқда ўзаро маданий ютуқларга эришиш жараёни. Ассимиляция қилишдан фарқли ўлароқ, бирлашув жараёнининг якунланиши гуруҳлар орасидаги чегараларни тўлиқ йўқ қиласди, масалан, икки ёки ундан ортиқ миллатнинг аралашуви натижасида бир одамнинг пайдо бўлиши;

Экзогамия – маълум бир ижтимоий гуруҳ ёки тоифадаги турмуш ўз ижтимоий гуруҳидан бошқа бир ижтимоий гуруҳ билан никоҳ тузишидир. Бу жараён ихтиёрий зарурат ёки мажбурий йўллар билан амалга оширилган. Мажбурий ёки имтиёзли экзогамия ибтидоий қабиланинг энг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, у мазкур таснифга «Рақобат», «Ўзлаштириш» ва «Конфликт» асосида юзага келувчи типларни ҳам киритади.

Кундалик ҳаётда ижтимоий жараёнларнинг барча қўрсатилган шакллари параллел равишда ўзгариши, ўрин алмашиши ёки оқимларни вужудга келтириши мумкин. Ижтимоий жараёнлар бир-биридан тақозо қилиши, қарши туриш ёки жой алмашишлари мумкин. Шу билан бирга, одатда, ижтимоий жараёнлар ҳар қандай ижтимоий ўзгаришларнинг ва ҳодисаларнинг асоси бўлиб, улар тизимни тиклаш, сақлаш ва алмаштиришга ёрдам бериши мумкин.

Ижтимоий жараёнлар кишиларнинг ижтимоий ҳаётда яқдил ва оммавий иштироки адолат, инсоф, садоқат сингари тушунчаларга эга бўлган умуумий қарашларни таркиб топтиради. Давлат тузуми ҳамда жамиятнинг барқарорлигини сақлаш учун кишиларга мавжуд ижтимоий тузумга нисбатан туғилиши мумкин бўлган сиёсий-ахлоқий ва иқтисодий маънавий хавфлар хусусида маълумотлар бериб бориш ҳамда уларни огоҳ килиб бориш зарур. Шундагина уларда давлат ва жамият мустаҳкамлигига доир масъулият пайдо бўлади ҳамда давлат ва жамият ривожи учун қайғура бошлайдилар.

Ижтимоий жараёнлар – бу жамиятда содир бўлаётган жараёнларнинг ўзгариши демакдир. Ижтимоий жараёнлар йўналтирилган, йўналтирилмаган ностандарт, қайтариладиган ва қайтариilmайдиган, ўсиб борувчи ва сўниб борувчи, чизиқли, кадамли, даврий ва спиралли турларда намоён бўлади.

Йўналтирилган жараёнлар – ўзларининг аниқ йўналишлари, ҳаракат мақсадлари, аҳамиятга эга бўлган жараёнлардир. Уларнинг натижаларини максимал аниқлик билан қабул қилиш мумкин. Мисол: никоҳ жараёни, ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш жараёни. Бундай жараённинг натижасига қандайдир таъсир этиши мумкин бўлган кўплаб ташқи омиллар мавжуд. Бундай ижтимоий жараён никоҳ орқали вертикаль ижтимоий мобилликни юзага келтиради.

Йўналтирилмаган ностандарт жараёнлар – олдиндан айтиб бўлмайдиган жараёнлар бўлиб, уларнинг натижасини аниқлаш қийин. Масалан, оиласдаги низолар, ижтимоий ҳаракатларда сафарбарлик. Бундай жараёнлар кўп ёки камроқ хиссий жиҳатдан юз беради ва қўзғалиш натижасида мантиқий ва онгли ҳаракатга ўз таъсирини кўрсатади ва ижтимоий мобилликда кўпинча ижтимоий лифт кўринишларида намоён бўлади.

Қайтариладиган жараён – бу тизим баъзи омиллар туфайли бир давлатдан иккинчисига ўтиб, кейин аввалги ҳолатига қайтганда ўзгаришларни кўрсатади. Лекин бу тизимнинг асл ҳолатига қайтишини билдирилмайди. Табиийки, тизимнинг баъзи структуралари ўзгаришсиз қолади, аммо тизимнинг асослари ўзгаради. Қайтариладиган жараёнларда меҳнат миграцияси орқали ижтимоий мобиллик каналларига тушган кишилар ўз юртларига қайтганда ёки озодликдан маҳрум бўлган шахсларнинг озодликка чиқишлиари натижасида содир бўладиган ижтимоий мобилликка ҳос ҳолатдир.

Қайтарилмайдиган жараёнлар – бу жараён тўхтатиб турилиши ёки тескариси бўлмайдиган жараёнлардир. Масалан, ёшликтин тўхтатиб туриш ёки қариликдан ёшликка қайтиш. Бу жараён кўпинча ижтимоийлашувнинг сўнгги босқичи бўлмиш меҳнатдан кейинги даврида содир бўладиган ҳолат бўлиб, бу жараёнда кишилар жамиятда адаптация даврини бошидан кечиради. Узоқ йиллар меҳнат қилиб, сўнг пенсияга чиқиб ҳам меҳнат

жараёнини давом эттиришга интилаётган жамият вакиллари бундай жараёнларнинг иштирокчиси ҳисобланади. Бундай жараёнлар бизнинг жамиятда ижтимоийлашувнинг сўнгги босқичи, яъни меҳнатдан кейинги босқичида рўй беради. Айнан бу даврда ижтимоий мобиллик каналарининг намоён бўлши жамиятда камдан-кам кузатилади.

Ўсиб борувчи жараён – бу жараён ривожланиш ва тараққиёт сари интилиш жараёнида, яъни ноль даражадан юқорига қўтирилишdir. Албатта бундай жараён аёллар ижтимоий мобиллик да меҳнат карьераси орқали лавозими ва ижтимоий мақомининг ўсиб бориши жараёни.

Сўниб борувчи жараён – бу бор имкониятларни йўқотиб тараққиётдан қолоқлик даражасига олиб борувчи жараён. Бу жараёнлар асосан жамият қабул қилган нормалардан оғиш оқибатида ижтимоий хавфли хулқ-атворнинг шаклланишидир. Ёки горизантал мобилликнинг аксил харакатидир. Масалан, собиқ иттифоқ империяси тугагандан сўнг мамлакатимизда жамият трансформациялашуви оқибатида партия лидерларининг обрўси ва аҳамияти тушиб, унинг ўрнига хусусий мулк эгалари ва тадбиркорларнинг обрўси ва аҳамиятининг ошиши бундай жараёнларни юзага келтирди. Бунда вертикаль ижтимоий мобилликнинг пастга кетиши кузатилади.

Чизиқли жараёнлар – бу бир вақтнинг ўзида тараққиётга ҳамда қолоқликка қараб интилмоқ демакдир. Масалан, жамиятга жорий қилинган бирор-бир жараён миллий урфодатлар, ўзлик, қадриятлар ва миллий маданиятни унтишига хизмат қилиши. Бунга мисол қилиб глобаллашув ва оммавий маданиятнинг Аёллар онгига кириб боришини ва уларда девиант хулқ-атворнинг шаклланишига олиб келишини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Қадамли жараён – у шундай ҳолатки, тизимда босқичма-босқич ўзгариш содир бўладиган, аммо кейин турли омиллар таъсири остида сифат ўзгаришларини юзага келтирадиган бир жараёндир. Бу жараёнларда қадам деб таърифланаётган ҳаракат – бу жамиятда олиб борилаётган ислоҳотлардир. Амалга оширилаётган ислоҳотлар агар шошқолоқлик билан оқибатини ўйламасдан амалга оширилса, жамиятни динамик ҳолатдан статик ҳолатга келтириб қўйиши мумкин.

Даврий жараён – бу тизимнинг баъзи босқичлари мунтазам равища тақрорланганда тизимнинг баъзи қисмлари ўзгаради. Жамиятдаги жараёнларни мавсумий тадқиқ этиш вақтида жамиятдаги баъзи бир жараёнлар ўзгариб олдингисини тақрорламайдиган жараёнлар юз беради. Бунга мисол қилиб, сайловлар натижасида давлат бошқаруви ёки маҳаллий бошқарув органларига сайланган мансабдор шахслар ёки вакиллик органларига сайланган депутатлар ўзларидан олдингилар фаолиятини камдан-кам тақрорлайдилар.

Спиралли жараён – бу тизим юқори сифат даражасидан бошланғич ҳолатига қайтганда ёки унинг акси содир бўлганда такрорланмайдиган жараёндир. Масалан: олий таълим муассасаси бир вақтлар эгаллаган репутациясини (обрўсини) йўқотса ва кейинчалик ушбу репутацияни қайтариб тиклолмасдан бошқасига қайта ташкил қилинишидир. Бунга мисол қилиб мамлакатимиздаги бир қанча олий таълим муассасаларининг қайта ташкил этилиши ёки қайта номланишини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Жамиятнинг моддий ёки маънавий ишлаб чиқариш соҳасидаги одамларнинг ўзига хос ўзаро таъсири ижтимоий жараённинг таркибий қисмларини аниқлайди. Жараённинг структуравий ва ташкилий тартибга солиниши унинг механизми бўлиб, унинг ёрдамида жараённинг бир босқичдан бошқа босқичга ўтиш ва муайян яхлитлик сифатида амалга оширилиши таъминланади ва бир босқичдан иккинчисига ўтиш тезлиги юқори ёки пастга йўналтирилган ривожланиш линиясини кўрсатувчи вектор билан тавсифланади.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ижтимоий муносабатларни ислоҳ қилиш ижтимоий жараёнларнинг омилларига, уларнинг оқимлари ва йўналишларига, ривожланиш жараёнларини тўхтатадиган турғун ҳодисаларни ўз вактида аниқлашга алоҳида эътибор беришни талаб қиласди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини кенг миқёсли ижтимоий тадқиқ қилиш ижтимоий жараёнларнинг характерини, хусусиятларини ва мақбул шароитларини белгиловчи жамиятдаги ижтимоий тузилмаларнинг ҳолатини аниқлашнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Демографларнинг башоратларига қараганда, мамлакатимиз аҳолисининг юқори суръатларда ўсиши яқин чорак асрда ҳам давом этади. 2025 йилга келиб Ўзбекистон аҳолиси 40 миллион кишидан ортиши кутилмоқда.

Ҳозирги даврнинг кескин глобаллашуви, воқеаларнинг тезкорлиги ва биз яшаётган замоннинг сифат ўзгаришлари, шубҳасиз, Аёллар ҳаётига бевосита таъсир этмоқда. Ҳозирги даврдаги олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз натижасини бериши, мамлакатда фуқаролик жамиятини қуриш вазифалари Аёлларнинг ижтимоий жараёнларда нечоғлик иштирок этаётганлигига ва Аёлларимиз танлаган ижтимоий мобиллик каналлари ижтимоий жараёнларга кўрсатаётган таъсирининг ижобийлиги ёки салбийлигига боғлиқ бўлиб қолади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Кравченко А.И. Фалсафа менеджмента. – М: Юнити, 1999. – С. 95.
2. Karimova L. M. JAMI OF SUFI PHILOSOPHY //Journal of Social Sciences and Humanities Research Fundamentals. – 2023. – Т. 3. – №. 05. – С. 105-108.

3. Роберт Парк. Город как социальная лаборатория: сборник статей. Социологическое обозрение. – М: 2007. – С.4.
4. Parsons T, Shils O. 1951. – P.85.
5. Karimova L. M. ETHICS IN THE WORKS OF ABDURAHMAN JAMI //The American Journal of Political Science Law and Criminology. – 2023. – Т. 5. – №. 04. – С. 73-76.
6. Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество. – М.: Политиздат, 1992. – С.542.
7. Karimova L. M. THE IMPORTANCE OF THE IDEAS OF FRIENDSHIP IN STRENGTHENING THE SOLIDARITY AND UNION OF YOUNG PEOPLE IN THE VIEWS OF THE THINKER //European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2022. – Т. 2. – №. 10. – С. 247-251.
8. Karimova L. M. Abdurrahman Jami And Sufism //Journal of Positive School Psychology. – 2022. – Т. 6. – №. 8. – С. 2866-2874.
9. Akhmedova Z. A. INNOVATIVE IDEAS (FOR HIS ERA) OF THE THINKER AHMAD DONISH //Journal of Social Sciences and Humanities Research Fundamentals. – 2023. – Т. 3. – №. 05. – С. 101-104.
10. Karimova L. M. SOCIO-CULTURAL AND SCIENTIFIC ENVIRONMENT IN MOVAROUNNAHR AND KHORASAN IN XIII-XV CENTURIES //CURRENT RESEARCH JOURNAL OF HISTORY. – 2022. – Т. 3. – №. 07. – С. 29-38.
11. Karimova L. M. IDEOLOGICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS OF ABDURAHMAN JAMI'S VIEWS ON THE EDUCATION OF THE YOUNG GENERATION //American Journal Of Social Sciences And Humanity Research. – 2022. – Т. 2. – №. 07. – С. 28-34.
12. Muzaffarovna K. L. THE VIEWS OF ABDURAHMAN JAMI ON FAMILY AND FAMILY UPBRINGING //INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429. – 2022. – Т. 11. – С. 90-94.
13. Akhmedova Z. A. REFORMATIVE VIEWS OF AHMAD DONISH IN MODERNIZATION EDUCATIONAL SYSTEMS IN THE EMIRATE OF BUKHARA (XIX AND EARLY XX CENTURIES) //Journal of Social Research in Uzbekistan. – 2022. – Т. 2. – №. 01. – С. 42-51.
14. Karimova L. M. Abdurahman Jami's Views on Humanity (Source Study) //International Journal on Integrated Education. – 2021. – Т. 4. – №. 11. – С. 146-149.

15. Akhmedova Z. A. THE PROBLEM OF HUMAN EXISTENCE AND THE PROBLEM OF NATURE IN THE PHILOSOPHY OF AHMAD DONISH //Oriental Journal of Social Sciences. – 2023. – T. 3. – №. 03. – C. 53-58.

16. Karimova L. M. About Human Health and Manners in the Rashkhas of Abdurahman Jami //Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture. – 2021. – T. 2. – №. 9. – C. 24-27.